

**Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўриқлаш хизмати томонидан
жисмоний ва юридик шахсларга қўриқлаш
хизматини кўрсатиш бўйича
ШАРТНОМА**

Самарқанд ш.

10 /АВ-сон

2022 йил «21» Январь

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Самарқанд вилояти Қўриқлаш бошқармаси номидан Низом асосида фаолият юритувчи бошлиқ подполковник Р.М.Номозов (кейинги ўринларда «Ижрочи» деб юритилади) бир томондан Р.С.Т.Э.И.А.М Самарқанд филиали номидан низом асосида фаолият юритувчи Р.С.Т.Э.И.А.М Самарқанд филиали бошлиғи С.Т.Имомов (кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритилади) иккинчи томондан, биргаликда «Томонлар» деб юритилади, мазкур Шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар:

1-боб. Шартнома предмети

1. Ижрочи Миллий гвардия қўриқлаш хизмати, соқчилик қўриқлаши кўринишида Буюртмачининг мулкани қўриқлаш хизматини кўрсатиш мажбуриятини, Буюртмачи эса мазкур Шартнома шартларига асосан ўз вақтида кўрсатилган хизмат учун тўловларни амалга ошириш мажбуриятини олади.

2-боб. Умумий шартлар

2. Буюртмачи Р.С.Т.Э.И.А.М Самарқанд филиалини (кейинги ўринларда объект деб юритилади) **1 (бир) та 24 (йигирма тўрт) соатлик, сафдаги қўриқлаш нарядлари пости орқали қўриқлаш учун Ижрочиға топширади, Ижрочи қабул қилади.**

3. Объектнинг қўриқлаш чегаралари (иморатлари, қурилмалари), постларининг (йўналишлари) жойлашуви чизма-режада кўрсатилади ва мазкур Шартномаға илова қилинади ҳамда унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

4. Объектдаги кириш-чиқиш, ички объект режими Буюртмачи томонидан тасдиқланадиган кириш-чиқиш ва ички объект режимини ташкил этиш йўриқномасига мувофиқ амалга оширилади ҳамда мазкур Шартномаға илова қилиниб унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

5. Объектни техник қўриқлаш воситалари билан жиҳозлаш ва таъмирлаш Буюртмачи томонидан амалга оширилади, техник қўриқлаш воситалари Ижрочининг айби билан ишдан чиққан ҳоллар бундан мустасно. Объектни ёнғиндан қўриқлаш ва хавф-хатар сигнализацияси билан жиҳозлаш чизмаси мазкур Шартномаға илова қилинади ҳамда унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

6. Мазкур Шартнома кучға кирган кундан бошлаб, объектда 5 иш куни ичида Миллий гвардия қўриқлаш тури йўлга қўйилади.

Объектда соқчилик қўриқлаш тури 5 иш куни ичида йўлга қўйилади.

3-боб. Тўловларни амалга ошириш

7. Мазкур Шартнома асосида кўрсатиладиган хизматлар нархи белгиланган тарифларға мос ҳолда қуйидагича ҳисобланади:

пост-соат ҳисобида қўриқлаш хизмати **ойиға 42 561 920 (қирқ икки миллион беш юз олтмиш бир минг тўққиз юз йигирма) сўм, 3 ойға 127 685 760 (бир юз йигирма етти миллион олти юз саксон беш минг етти юз олтмиш) сўм;**

8. Ижрочи хизматлари учун тўловларға ўзгартиришлар киритиш қонун ҳужжатларига мувофиқ ушбу хизматлар туриға янги тарифлар тасдиқланган ҳолларда қайта кўриб чиқилади.

9. Буюртмачи мазкур Шартнома имзоланган кундан бошлаб, мазкур Шартнома баҳосининг 100 фоизи миқдорида тўловини амалга оширади.

10. Хўжалик юритувчи субъект ҳисобланган Буюртмачи мазкур Шартноманинг 11-бандида кўрсатилган ойлик тўловни (аванс тўловини) ўз вақтида тўламаса, Ижрочи Буюртмачиға акцептсиз тўлов талабномасини тақдим қилишға ҳақлидир.

мазкур Шартнома бекор қилинган ҳолларда Ижрочи Буюртмачи билан тўланган тўловлар бўйича қайта ҳисоб-китобни амалга ошириши зарур.

4-боб. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

11. Буюртмачи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Ижрочидан белгиланган қўриқлаш тартибига риоя этишини талаб қилиш;

хизмат кўрсатиш жараёнида Ижрочининг ходимлари томонидан интизомни бузиш ҳолатларини тўхтатиш ва йўл қўйилган камчиликларни бартараф қилиш бўйича керакли чоралар кўрилишини Ижрочидан талаб қилиш;

Ижрочининг хизматни ташкил қилиши ва амалга оширишини, қўриқлаш турларига мос бўлган кийим-бош, кийим-бош анжомлари (экипировкаси), қурол-аслаҳаларининг мавжудлигини назорат қилиш;

Ижрочи томонидан мазкур Шартнома шартлари бузилишининг ҳар бир ҳолати бўйича Ижрочининг вакили иштирокида икки нусхада далолатнома тузиш;

Ижрочининг айби билан йўл қўйилган камчиликлар аниқла ган тақдирда Ижрочидан уларни бартараф этишни талаб қилиш;

Ижрочи томонидан мазкур Шартнома талаблари бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарарни ундириш.

12. Буюртмачининг мажбуриятлари:

мазкур Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган 20 22 йил «21» январ даги кўздан кечириш далолатномасига асосан қўриқлашга топшириладиган объектни, алоҳида ҳоналарни техник мустаҳкамлаш бўйича тадбирларни бажариш, ўз ҳисобидан техник қўриқлаш воситалари (объектнинг турига қараб пост қурилмалари ва постлараро алоқа, ички ва шаҳар телефонлари, ёнғиндан қўриқлаш сигнализацияси, объект периметри бўйлаб керакли ёритиш воситалари, кулфлар, турникет, кузатиш майдончаси, шахсий текшириш хоналари, ишчи ва хизматчиларнинг шахсий буюмларини сақлаш хоналари, ёнғин ўчирувчи воситалар ва бошқалар) билан жиҳозлаш ва зарур ҳолларда уларни таъмирлаш;

ҳар қандай моддий қимматликларни объект ҳудудининг девор тўсиғидан 20 30 метр узоқликда (объект жойлашувини ҳисобга олган ҳолда) жойлаштириш;

Ижрочи билан биргаликда ҳар чоракда камида бир марта объектнинг техник мустаҳкамлигини, қўриқлашнинг техник воситалари билан таъминланганини, шу жумладан ёнғиндан қўриқлаш сигнализацияси ҳолатини текшириш кўригини ўтказиш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш муддатлари, Ижрочини бу ҳақда хабардор қилиш муддати ва тартибини кўрсатган ҳолда Томонларнинг вакиллари иштирокида далолатнома тузиш;

белгиланган қўриқлаш режими талабларини бажариш ва техник қўриқлаш воситаларининг тегишли ҳолатини таъминлаш;

бинода режалаштирилаётган капитал таъмирлаш ишлари, объектларни қайта жиҳозлаш, иш режимини ва ишлар профилини ўзгартириш, моддий қимматликларни сақлаш жойини ўзгартириш ёки янгиларини очиш, объект ёки унинг бир қисmini бошқа шахсларга ижарага бериш ёки мулк ҳуқуқини ўтказиш, қўриқлаш турини, постлар дислокациясини ўзгартириш ёки қўшимча қўриқлаш сигнализацияси воситаларини ўрнатиш бўйича тадбирларнинг ўтказилиши ҳақида Ижрочини бундай ишларнинг бошланишидан камида 13 кун олдин ёзма тарзда огоҳлантириш;

бегона шахсларга қўриқлаш ва сигнализация тамойиллари ва тизимини, шунингдек берилган пульта рақамларини ошкор қилмаслик;

Ижрочи вакиллари объектдаги ички тартиб ва техника хавфсизлиги қоидалари билан уларнинг ўз вазифаларини бажаришига оид қисми билан таништириш;

14. Ижрочининг ҳуқуқлари:

Буюртмачидан объектда ўрнатилган кириш-чиқиш ва ички тартибга риоя қилинишини талаб қилиш; мазкур шартномани тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш муносабати билан зарур бўлган маълумотномалар ва бошқа ҳужжатларни сўраш ва олиш;

кўздан кечириш далолатномасида кўрсатилган қўриқлаш-техника воситаларини жорий қилиш бўйича Буюртмачига тавсиялар бериш.

15. Ижрочининг мажбуриятлари:

Ходимлар хизмат олиб бориши учун ажратилган бино, тақиқланган периметр ҳудуд атрофи, кузатув миноралари, наряд йўлаклари ва қоровулхона атрофи тозалигини сақлаб туриш;

Табиий ва техноген фавкулотда вазиятларнинг оқибатларини бартараф этишда иштирок этиш;

ар йили камида 2 (икки) маротаба ва кузда тақикланган ҳудуднинг назорат из йўлагини доимий равишда шудгорлаш ва юмшатиш ишларини амалга ошириш (объект рахбари билан келишган ҳолда);

Ҳар ойнинг 5-санасигача ҳисоб фактурани ва хизматлар далолатномасини тақдим этиш;

Объект рахбарининг ҳар 6-12 ойда солиштирма далолатномасини тақдим этиш;

объектда постлар дислокациясига (патрул йўналишига) мувофиқ кўриқлаш нарядини жорий этиш;

мазкур Шартномада ва унинг иловаларига мувофиқ объектни ҳамда кўриқлашга топширилган моддий қимматликларни кўриқлашни ташкил этиш ва таъминлаш;

кўриқланаётган ҳудуддаги, лекин бинодан ташқарида жойлашган моддий қимматликларнинг миқдори, ассортименти, ўралган ёки қадоқланган ҳолатини текшириб, қайта ҳисоб-китоб асосида қабул қилиш-топшириш журналида рўйхатдан ўтказган ҳолда ҳамда Ижрочи ва Буюртмачи вакиллари томонидан имзоланган ҳолда қабул қилиб олиш;

объектда кириш-чиқиш ва объект ички тартибига риоя этиш, объект ҳудудига белгиланган тартибда моддий қимматликлар олиб кирилиши ва чиқилишини назорат қилиш;

пропуск режими мавжуд бўлган объектларда кун давомида назоратдан ўтказиш пунктидан бир марталик кириш рухсатномаси билан объектга киритилган ташриф буюрувчиларнинг чиқиб кетишини таъминлаш;

объектни кўриқлаш вақтида жойдаги ёнғин хавфсизлиги қоидаларининг бажарилишини таъминлаш;

объектда ёнғин чиқиши ёки ёнғиндан кўриқлаш сигнализациясининг ишлаб кетиши ҳолатида зудлик билан ёнғин бўлимига ёки Буюртмачига хабар бериш;

объектга бегона шахсларнинг кириб кетганлиги аниқланганда зудлик билан Буюртмачининг вакилини чақириш ва объектнинг дахлсизлигини таъминлаш;

ёнғиндан кўриқлаш сигнализацияси ишлаб кетган ҳолатларда сигнализациянинг ишлаб кетиш сабабларини аниқлаш ва объектни қайта топшириш учун Буюртмачи вакилини чақиртириш, текшириш натижалари ва объектни қайта топшириш бўйича икки нусхада далолатнома тузиш;

Ижрочининг ходимлари томонидан хизматни ташкил қилиш ва амалга ошириш, кўриқлаш турларига мос бўлган кийим-бош, кийим-бош анжомлари (экипировкаси), нинг мавжудлигини таъминлаш;

объектни кўриқлашга қабул қилганда ва топширганда объектдаги техник мустаҳкамлик бўйича ва кўриқлашнинг техник воситалари билан боғлиқ аниқланган барча камчиликлар ҳақида Буюртмачини хабардор қилиш;

Буюртмачи билан биргаликда ҳар чоракда камида бир марта объектнинг техникавий жиҳатдан мустаҳкамлигини, кўриқлашнинг техник воситалари билан таъминланишини, жумладан ёнғиндан кўриқлаш сигнализациясини текшириш кўригини ўтказиш, Буюртмачи томонидан аниқланган камчиликларни бартараф этиш муддатлари ҳамда Ижрочини бу ҳақда хабардор қилиш муддати ва тартибини кўрсатган ҳолда томонларнинг вакиллари иштирокида икки нусхада далолатнома тузиш;

Ижрочи томонидан мазкур Шартнома талабларининг ҳар бир бузилиши бўйича Ижрочи ва Буюртмачининг вакиллари иштирокида икки нусхада далолатнома тузиш ва бир нусхасини Ижрочининг раҳбарига тегишли чоралар кўриш учун бериш;

кўриқланаётган хоналар бузилганлиги ёки мулкка етказилган зарар тўғрисида ички ишлар органининг навбатчи қисмига ва Буюртмачига зудлик билан хабар бериш, ички ишлар органи вакили етиб келгунга қадар ҳодиса юз берган жойнинг дахлсизлигини таъминлаш.

5-боб. Томонларнинг жавобгарлиги

16. Мазкур Шартноманинг 11-бандида кўрсатилган сумманинг Буюртмачи томонидан ўз вақтида тўламаганлиги учун Буюртмачи Ижрочига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

17. Ижрочининг ходими постда ва патрул йўналишларида бўлмаганида Ижрочи Буюртмачига ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорда пеня тўлайди, бироқ бунда кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоиздан ошиб кетмаслиги лозим.

18. Пеняни тўлаш Буюртмачи ва Ижрочини ўз мажбуриятларини бузиш оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

19. Ижрочи мазкур Шартномада кўрсатилган мажбуриятларини лозим даражада бажармаганлиги натижасида Буюртмачига етказилган зарар учун моддий жавобгар бўлади.

Ижрочининг айби билан зарар етказилганлиги аниқланган ҳолларда зарар тўлиқ миқдорда қопланади.

0. Ижрочининг айби билан етказилган зарарнинг миқдорини аниқлаш учун томонлар вакилларида иборат комиссия тузилиши мумкин. Бунда, зарар миқдори тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилиб, комиссия аъзолари томонидан тасдиқланади. Низо мавжуд бўлган тақдирда зарар миқдори суднинг қарори билан аниқланади.

21. Қуйидаги ҳолларда Ижрочи зарарни қопламайди:

ижрочи шартнома а кўрсатилган мажбуриятларни тўлиқ бажарган бўлишига қарамасдан зарар учинчи шахсларнинг жиноий ҳаракатлари натижасида етказилган бўлса ва бу суднинг қонуний кучга кирган қарори билан тасдиқланса;

қабул қилиш-топшириш журналида қайд этилмаган мулкка зарар етказилганда;

буюртмачининг ходимлари томонидан ёки уларнинг айби билан зарар етказилганда.

22. Мазкур Шартномада кўрсатилган мажбуриятларни лозим даражада бажармаганлик учун белгиланган неустойка (жарима, пеня) тўлаш ҳамда зарарни қоплаш Томонларни Шартномада кўрсатилган мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди.

6-боб. Низоларни ҳал қилиш тартиби

23. Мазкур шартномани тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш вақтида тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар, шунингдек етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги низолар қонун ҳужжатлари белгиланган тартибда иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

7-боб. Форс-мажор

24. Томонлар ушбу Шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун, агар ушбу бажармаслик Шартнома тузилгандан кейин пайдо бўлган, енгиб бўлмайдиган куч, яъни фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (форс-мажор) оқибати ҳисобланса, жавобгарликдан озод қилинади.

25. Енгиб бўлмайдиган куч ҳолатига ҳавола қилувчи Томон бошқа Томонни бундай ҳолатлар бошланганлиги ва тамом бўлганлиги тўғрисида икки кун ичида ёзма шаклда хабардор қилиши шарт. Ушбу муддат ичида хабар бермаган Томон мазкур Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганлиги учун жавобгарликдан озод қилиш асоси сифатида кўрсатишга ҳақли эмас.

Форс-мажор ҳолатларига сув тошқинлари, ер қимирлаши ва бошқа табиий ҳалокатлар, шунингдек эпидемиялар, ёнғинлар, портлашлар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мазкур Шартнома ижросига бевосита таъсир кўрсатган қарорлари киради.

26. Мазкур Шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмас куч ҳолатлари амал қилган даврга мутаносиб равишда кечиктирилади. Агарда форс-мажор уч ой давом этса Томонлар мазкур Шартномани бир томонлама бекор қилишга ҳақли.

8-боб. Яқуний қоидалар

27. Мазкур Шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга киради.

Мазкур Шартнома бюджет ташкилотлари ёки бюджет маблағлари олувчилари билан тузилганда газначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг кучга киради.

28. Мазкур Шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилганда ҳамда Буюртмачи ва Ижрочининг вакиллари томонидан имзоланган тақдирда ҳақиқийдир.

Томонлар мазкур шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги таклифга иккинчи тарафдан рад жавоби олганидан кейингина ёки ўттиз кунлик муддатда жавоб олмаганидан кейин, шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги талабни судга тақдим этиши мумкин.

29. Шартноманинг амал қилиш муддати қуйидагича белгиланади:

ҳўжалик юритувчи субъектлар бўйича — Томонлар тарафидан имзоланган кундан бошлаб 1 (бир) йил муддатга тузилган бўлиб, Томонлар ўз мажбуриятларини тўлиқ бажаргунига қадар;

Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилари бўйича-белгиланган тартибда газначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб 2022 йилнинг 31 декабрь куни охиригача.

Буюртмачи ҳўжалик юритувчи субъект бўлган тақдирда Буюртмачи мазкур Шартномани бекор қилиш ҳақида Ижрочиға Шартнома муддати тугашидан 2 ой олдин маълум қилмаса, мазкур Шартноманинг амал қилиш муддати худди шу муддатга ва худди шу шартларда узайтирилган ҳисобланади.

30. Буюртмачи кетма-кет уч марта мазкур Шартноманинг 11-бандида кўрсатилган тўловни белгиланган муддатда тўламаса, Ижрочи мазкур шартномани Буюртмачини ёзма равишда огоҳлантирган ҳолда бир томонлама бекор қилишга ҳақли.

1. Ижрочи кетма-кет уч марта пост ва патрул йўналишларида қўриқлаш тартибини бузса, Буюртмачи мазкур шартномани Ижрочини ёзма равишда огоҳлантирган ҳолда бир томонлама бекор қилишга ҳақли.

32. Томонлар мазкур Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш тўғрисида 2 ой олдин ёзма равишда маълум қилади.

33. Объектнинг хусусиятидан келиб чиқиб Томонлар мазкур Шартномага қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳуқуқ ва мажбуриятларини назарда тутувчи қўшимча бандлар киритишлари мумкин.

9-боб. Томонларнинг юридик манзиллари ва реквизитлари.

Ижрочи

Ўзбекистон Республикаси Миллий
гвардияси Самарқанд вилояти Қўриқлаш
бошқармаси

Юридик манзили: Самарқанд ш. Т.Малик
кўчаси 12-уй

Банк реквизитлари:

МФО:00022

Х/Р: 21596000800470456001

СТИР:201214264

ОКЭД:84240

“Марказий банк” Самарқанд вилоят

Бошқарма бошлиғи


(имзо, мухр)

Р.М.Номозов

Буюртмачи

Р.С.Т.Э.И.А.М Самарқанд филиали

Юридик манзили: Самарқанд шаҳар


А.М.Мотрудий кўчаси 26-уй

х/р 100021860184017074920054001


МФО:00014 ИНИ: 201008100

ОКЭД 91540 ХККМ Марказий банк

**Р.С.Т.Э.И.А.М Самарқанд филиали
бошлиғи**


(имзо, мухр)

С.Т.Имомов



Тасдиқлайман»

Ўзбекистон Республикаси Миллий
Гвардияси Самарқанд вилоят
Қўриқлаш бошқармаси бошлиғи
Р.М.Номозов



2022 йил «21» Январь

Р.С.Т.Э.И.А.М Самарқанд филиали биносини Миллий гвардия қўриқлаш
хизмати нарядлари орқали қўриқлаш хизмати бўйича
2022 йил «01» Январдан

С М Е Т А – Х И С О Б И

Қўриқлаш тури	Пост сони	Хизмат вақти	Бир ойлик хизмат вақти	Хизматнинг пост-соат нархи	Хизмат учун бир ойлик харажатлар ҳисоби
Сафдаги қўриқлаш	1	24 соат	730 соат	58 304 сўм	1 пост х 730 соат х 58 304 = 42 561 920 сўм
Жами:					42 561 920 сўм

Жами: 42 561 920 (Қирк икки миллион беш юз олтмиш бир минг тўққиз юз йигирма) сўм.

Эслатма: Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармониға мувофиқ
ойлик-маошлар ошса, смета-ҳисоби қайтадан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Миллий
гвардияси Самарқанд вилоят
Қўриқлаш бошқармаси
Самарқанд шаҳар Т.Малик кўчаси 12 уй
х/р 21596000800470456001
МФО: 00022, ХККМ «Марказий» банк
ИНН: 201214264 ОКЭД 84240

Р.С.Т.Э.И.А.М Самарқанд филиали.
Самарқанд шаҳар А.М.Мотрудий
кўчаси 26-уй
х/р 100021860184017074920054001
МФО: 00014 ИНН: 201008100
ОКЭД 91540 ХККМ Марказий банк

«Келишилган»

Р.С.Т.Э.И.А.М Самарқанд филиали
бошлиғи


С.Т.Имомов

Самарқанд вилоят Қўриқлаш
бошқармаси МИБ бошлиғи


С.Р.Қобилов